Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 56 (5149).

20 МАРТ ЧОРШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Л. И. БРЕЖНЕВ Т. БРАТТЕЛИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Норвегия ишчи партиясининг раиси, Норвегия Бош министри Трюгве Браттелини 19 мартда қабул қилди.

Л. И. Брежнев билан Т. Браттели ўртасида бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Норвегия ўртасида яхши қўшничилик мунасабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек Европа хавфсизлиги манфаатларини ва халқаро вазиятни умуман соғломлаштириш манфаатларини кўзлаб актуал халқаро проблемаларни ҳал қилишда ҳар икки мамлакат ҳамкорлиги масалалари кўриб чиқилди.

Л. И. Брежнев билан Т. Браттели Совет Иттифоқи билан Норвегия ўртасида дўстлик ва самарали ҳамкорлик анъанавий муносабатларни янада кенгайтириш ва кучайтириш бутун ер юзида тараққиёт манфаатларига ва тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирдилар.

Суҳбатда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг Норвегиядаги элчиси С. К. Романовский, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин;

Норвегия томонидан — Норвегия диний ишлар ва маориф министри Б. Гъерде, Норвегиянинг СССРдаги элчиси Ф. Якобсен, Норвегия Ташқи ишлар министрлиги сиёсий департаментининг бошлиғи К. Вибе иштирок этдилар. (ТАСС).

ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАР САРИ

Навбатдаги область ва ўлка партия конференциялари бўлиб ўтди. Одатдагидек, бу конференциялардан аввал бошланғич ташкилотларда ҳисоботсайлов йиғилишлари, район, шаҳар ва округ конференциялари бўлди. Шундай қилиб, партияда ҳисобот сайлов кампанияси ниҳоясига етди, бу кампания партия ташкилотлари, уларнинг раҳбар органлари ишининг бутун боришига катта таъсир ўтказади.

Бу сафарги конференцияларнинг алоҳида аҳамияти шундан иборатки, улар КПСС XXIV съездидан кейин биринчи марта, съезд қабул қилган тарихий қарорларни амалга ошириш учун умумхалқ кураши вазиятида ўтди. Конференциялар съезд ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари ўртага қўйган вазифаларни бажариш соҳасидаги ишларни анализ қилди ва шу ишларни якунлади, партия иштисодий ва социал сиёсатини амалга ошириш, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини, фан ва маданиятни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш учун ўз ташкилотларининг роли ва масъулиятини янада оширишнинг конкрет тадбирларини белгилади.

Утган ҳисобот-сайлов кампанияси олга томон қилаётган ҳаракатимизнинг ўсиб бораётган кучлари ва имкониятларининг хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишга партия ташкилотларининг янада активроқ таъсир ўтказиш йўллари ва воситаларининг чинакам умумпартиявий кўрғни бўлди. Шуни айтиш кифоя қиладики, бошланғич ташкилотлардаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари ишида улар составидаги коммунистларнинг 93 процента қатнашди ва 3,6 миллион коммунист ёки йиғилишларда ҳозир бўлган барча кишиларнинг 26 проценти музокараларда сўзга чиқди. Район, шаҳар, область ва ўлка конференцияларида 70 мингдан кўпроқ киши сўзга чиқиб, миллион-миллион коммунистларнинг умумий фикрини ифодалаб берди. Ана шу гоят кенг миқёсдаги фикрлашувларда, қабул этилган қарорларда партия билан халқни ҳозир тўлқинлантириб турган вазифалар, уларни қувватлаётган ютуқлар ва ташвишлантираётган камчиликлар ҳамда уларнинг муштарак муддаолари ва фикр-ўйлари, муштарак хоҳиш-иродаси ва қудратли бунёдкорлик куч-ғайрати ўз ифодасини топди.

Конференциялар ва йиғилишлар партия сафларининг метиндек мустаҳкамлигини, партиямизнинг барча отрядлари ленинчи Марказий Комитет тевирагига маҳкам жипслашганлигини, партия билан халқнинг бузилмас бирлигини, 15 миллионли коммунистлар армияси, барча меҳнаткашлар КПСС XXIV съезди қарорларини, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга азмиқарор берганлигини яққол кўрсатди.

Партиянинг ички ва ташқи сиёсати ҳамма жойда тўла-тўкис ва яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. Партиямизнинг ленинча йўлини муттасил амалга ошириш соҳасида КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий Бюроси, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев олиб бораётган кўп қиррали ва аниқ мақсадни кўзловчи фаолият ҳамма жойда ялписига қизғин маъқулланди. Бу ҳақда ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир меҳнат коллективининг кундалик ҳаёти ва иши учун буюк илҳомбахш куч бағишловчи омил сифатида астойдил ва самимий гапирилди.

Партия конференциялари КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқининг бевосита ва жуда катта сафарбар қилувчилик таъсири остида ўтди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида партия ва халқнинг беш йиллиқдаги бунёдкорлик фаолияти якунлари таърифлаб берилди, 1974 йил планини бажариш, экономика ва маданиятни янада ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўллари ва методлари тўғрисидаги принципиал қондалар ўртага қўйилди. Хўжаликни юритишнинг бутун системасини, бошқариш системасини мамлакатнинг ошиб бораётган имкониятлари ва эҳтиёжларига мос келадиган янги поғонага кўтариш тўғрисида гап борди.

«КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев 15 март куни Олмаотада сўзлаган нутқида,— халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларидаги, фаолиятимизнинг барча соҳаларидаги иш услуби масаласи кўндаланг қилиб қўйилди. Масъулиятни ошириш, ташаббускорликни, ишчанликни, соцналистик омилкорликни ривожлантириш, онгли интизомни ва камчиликларга муросасизликни тарбиялаш—партиявий иш услубининг бу хусуснятлари ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Буларнинг ҳаммаси жамият ҳаётининг ахлоқий, маънавий соҳасига тааллуқли бўлиб, планга ёки статистика ҳисоботига ёзиб қўйиб бўлмайди. Аммо коммунистик характер ва коммунистик онгнинг бу ҳислатлари жуда катта моддий кучга эга эканлигини, улуғ Ватанимизнинг ўсиб бораётган қудратида ва бойлигида мужассамлашаётганлигини, совет халқининг фаровонлигини юксалтиришда, Ватанимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда намоён бўлаётганлигини биз биламиз, бунга ўз тажрибамизда ишонч ҳосил қилганмиз.

Шу боисдан ҳам партиянинг иштисодий сиёсати унинг сиёсий-тарбиявий фаолияти билан чамбарчас боғланган. Шу боисдан ҳам биз бутун ишимизнинг савиясини ошириш учун қунт билан изчил кураш олиб боришимиз керак».

Партия ташкилотлари ва уларнинг комитетлари, корхоналар, муассасалар ва идораларнинг раҳбарлари фаолияти якунларини анализ қилиш ва баҳолашда, қарорларни ишлаб чиқишда ва яқин келажакка мўлжалланган конкрет вазифаларни белгилашда конференциялар партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорларига асосландилар. Тўла асос билан шуни айтиш мумкинки, конференцияларда ленинча Марказий Комитет декабрь Пленумининг руҳи, юксак масъулият, ишчанлик ва талабчанлик муҳити, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид муҳити, энг асосий проблемаларни ҳал этишга жанговарлик билан киришиш вазияти ҳукм сурди.

Съезддан кейин ўтган уч йил мобайнида совет кишилари партия, унинг Марказий Комитети раҳбарлигида коммунистик қурилишда катта-катта муваффақиятларга эришганликлари зўр мамнуният билан қайд этилди. Беш йилликнинг ўтган учинчи зарбдор йилида жамиятимизнинг қудратли ижодий кучи, кенг оммасининг ғайрат шижоати ва ташаббускорлиги, партия ташкилотларининг ҳар томонлама актив сиёсий ва ташкилотчилик иши айниқса жозибали тарзда намоён бўлди. Бу эса КПСС XXIV съезди ўртага қўйган вазифаларни янада муваффақиятлироқ ҳал этиш имконини бераднган марраларга чиқиб олишни таъминлади. 1973 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш пландаги 5,8 процент ўрнига 7,4 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан белгиланган топшириқлар ошириб бажарилди. 222,5 миллион тонна — илгарги ҳар қандай йилда етиштирилганидан анча кўп дон ҳосили олинди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш кўпайди.

Натижада мамлакатнинг иштисодий потенциали анча ортди. Халқнинг турмуш даражаси муттасил юксалмоқда. Меҳнаткашларнинг коммунистик онглилиги янада баланд кўтарилди, совет жамиятининг социал-сиёсий ва гоявий бирлиги мустаҳкамланди. Конференциялар ишлаган даврда қаҳрамон халқимизнинг тарихий зафарлари, унинг коммунизм буюк идеалларига ниҳоятда содиқлиги, ўзининг жанговар, синаллар авангарди — ленинчи коммунистлар партияси теварагига жипслашганлиги ўзининг бутун улуғворлиги билан намоён бўлди.

Партия ишлаб чиққан Тинчлик программаси изчиллик билан активэ амалга оширилаётганлиги Ватанимизнинг халқаро обрў-эътибори янада ошишига, соцналистик ҳамдўстликнинг мустаҳкамланишига, халқаро вазиятда ижобий силжишлар содир бўлишига олиб келди.

Партия, унинг ҳамма ташкилотлари иштисодий ва ижтимоий ҳаётга раҳбарлик қилишнинг янги қимматли тажрибаси билан бойиди, ҳозир улар эришилган натижаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун, коммунистик қурилишнинг янги чўққиларига чиқиш учун янада зўр ғайрат билан ишламоқда.

Мамлакат беш йилликнинг гоят масъулятли даврига қадам қўйди — бу йил биз беш йилликни қандай натижалар билан якунлашимизни аслида белгилаб беради. 1974 йил планига анча юксак кўрсаткичлар негиз қилиб олинган. Бу планни бажариш коммунистлардан, кенг халқ оммасидан зўр куч-ғайрат ва ташаббускорлик билан янада фидокорона ишлар қилишни, партия раҳбарлигини, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштиришни талаб қилади.

Экономикани муттасил юксалтириш, беш йиллик топшириқларини бажариш тўғрисидаги ғамхўрлик партия ташкилотларининг кундалик фаолиятида асосий ўринни олади. Мамлакатда амалга оширилаётган ўсишнинг сифат омиллари сари тубли бурилиш — халқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш, техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш вазифалари партия ташкилотларига, уларнинг хўжалик қурилишига раҳбарлик қилиш практикасига, партия органларининг иш услуби ва методларига нисбатан янги, янада юксак талабларни қўяди. Табиийки бу масалалар конференцияларнинг диққат марказида бўлди. Экономикани ривожлантириш, хўжалик фаолиятининг турли соҳаларини такомиллаштириш истиқболлари энг зарур кундалик вазифалар билан узвий равишда боғланган ҳолда кўриб чиқилди.

Делегатлар беш йилликнинг дастлабки уч йили муваффақиятларини объектив баҳолаб, катта ва қимматли тажрибани умумлаштириб, шу билан бирга асосий диққат-эътиборни беш йилликнинг тўртинчи йили планини муддатидан аввал бажаришга — ҳозирги энг муҳим ,энг асосий мақсад йўлида барча резервлардан фойдаланиш йўллари ва методларига қаратдилар. Москва ва Ленинградда, Украина ва Белоруссияда, Свердловск, Челябинск, Волгоград, Саратов областларида ҳамда бошқа областлар ва республикаларда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, техника билан қайта қуроллантириш, қувватларни тезроқ ўзлаштириш ва улардан тўла-тўкис фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини ошириш масалалари зўр қизиқиш билан муҳокама қилинди. Бу соҳада кўп иш қилинди, аммо келгусида беқиёс кўп иш қилинишга лозим. Бир қанча корхоналарни реконструкция қилиш, асбобускуналарни янгилаш ва модернизациялаш, автоматлаштириш ва механизациялаш ишлари комплекс олиб борилмаётганлиги, бу эса шу ишларнинг натижадорлигини пасайтираётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи батафсил анализ қилинди. Беш йилликнинг мамлакат халқ хўжалик планини бажариш учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган қурилишларни ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш зарурлигига алоҳида эътибор жалб қилинди. Давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тадбирлари атрофлича кўриб чиқилди.

Конференцияларнинг делегатлари ишлаб чиқариш планларини бажармаётган, бинобарин бошқа заводлар, фабрикалар, қурилишлар фолиятидаги маромни, ритмсиз ишларни анчагина бузаётган кўп корхоналар ҳали ҳам борлиги тўғрисида гапирдилар. Партия комитетларига ва хўжалик идоларига бу корхоналарнинг қолоқлик сабабларини ҳар томонлама ўрганиш ва шу корхоналарни давлат плани талабларини даражасига кўтариш имконини бера оладиган тадбирларни амалга ошириш тавсия этилди.

Конференцияларнинг делегатлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг катта мураккаб, аммо шу билан бирга илҳомбахш вазифаларини муҳокама қилганда кейинги йилларда партия ишлаб чиққан ва планли равишда амалга оширилаётган аграр сиёсат экономикасининг бу муҳим тармоғида катта муваффақиятларга эришиш имконини берганлиги тўғрисида зўр мамнуният ва маъқуллаш туйғулари билан гапирдилар. Бу сиёсат қишлоқ хўжалигини муттасил юксалтиришни, қишлоқ хўжалик меҳнатининг характерини, қишлоқларнинг қиёфасини ҳам ўзгартиришни таъминлайди. Эндиликда вужудга келтирилган ва вужудга келтирилаётган қулай имкониятлардан ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш учун қатъият ва собитқадамлик билан тўла-тўкис фойдаланиш зарур.

Конференциялар ўз областларининг хусусиятлариши, орттирилган тажрибани ва янги вазифаларни ҳисобга олиб, химиялаш, ерларни мелиорациялаш, агротехника ишларининг бутун комплексини амалга ошириш асосида ҳосилдорликни кўтаришнинг конкрет тадбирларини белгилаб олдилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини изчиллик билан концентрациялаш ва ихтисослаштириш, уни индустриал негизга ўтказиш юзасидан партия ишлаб чиққан йўл тўла-тўкис қўллаб-қувватланди.

Саноатни, капитал қурилишни, қишлоқ хўжалигини, экономика ва маданиятнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш вақтида бошқаришнинг ташкилий структурасини такомиллаштириш, планлаштиришни яхшилаш, иштисодий ва маънавий омилларни кучайтириш тўғрисида жонли тажрибага асосланган кўпгина қимматли мулоҳазалар айтилди. Хўжаликни самарали бошқаришнинг ибратли намуналари, меҳнат коллективларининг мароқли ташаббуслари кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, кўпгина корхоналар, министрликлар ва идоралар раҳбарлари фаолиятидаги камчиликлар қаттиқ танқид қилинди. Планлаштиришдаги катта-катта нуқсонларга, план интизоми бузилаётганлигига, материал-техника таъминотида узилишлар бўлиб турганлигига, хўжасизлик ва исроф-гарчилик фактларига, айрим ходимлар қолоқлик ва бюрократизмга йўл қўяётганлигига эътибор жалб қилиб ўтилди. Буларнинг ҳаммаси тегишли министрликлар, идоралар, уларнинг раҳбарлари томонидан эътибор ва зўр масъулият билан кўриб чиқилади ҳамда ҳисобга олинади, деб кутмоқ керак.

Корхоналардан тортиб марказий идораларгача, райкомлардан тортиб обкомларгача ва иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетларигача — барча партия ташкилотлари ва комитетлари кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш, партия ва ҳукумат директивалари, ўз қарорлари қандай бажарилаётганлигини контроль қилиш ва текширишни кучайтириш, хўжалик фаолиятининг ҳамма бўғинларида партиявий ёндошишни, партиявий услубни қарор топтириш учун бир қанча муҳим чораларни кўришлари керак.

Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари Марказий Комитет декабрь Пленумининг йўл-йўриқларини амалга ошириб, беш йилликнинг тўртинчи йили планини муддатидан аввал бажариш учун умумхалқ мусобақасини авж олдириш соҳасида кўп иш қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан ҳамма жойда юксак мажбуриятлар қабул қилинди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва энг яхши сифат кўрсаткичларига эришиш, исроф-гарчиликни тугатиш, хом ашё ва материалларни тежаш маҳсулот таннархини камайтириш, унинг сифатини ва техникавий даражасини ошириш — шу мажбуриятларнинг асосий бандларидир. Партия конференциялари мусобақани ташкил этишни, оммаларнинг бу жонли ижодий раҳбарлик методларини ҳар томонлама такомиллаштириш муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб ўтди.

Экономикани янада юксалтириш ва бошқарув системасини такомиллаштиришнинг янги, мураккаб проблемалари ҳал этилаётган ҳозирги шароитларда меҳнаткашларни бошқарув фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш, уларнинг тажрибаси, билими, ихтиёрочилиги ва ташаббускорлигидан янада тўлиқроқ фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу нарса ижтимоий системамиз табиатининг ўзидан келиб чиқади, бизнинг ижтимоий системамиз чинакам демократизми, давлатнинг ва жамиятнинг ҳамма ишларини ҳал этишда оммаларнинг активэ иштирок этиши билан ажралиб туради. Ҳаёт синовидан ўтган ҳамма қимматли тажрибаларни қунт билан оммалаштириш лозим. Бу эса ишчилар, колхозчилар, мутахассисларнинг ижтимоий ва меҳнат активлигини оширишга, ишлаб чиқариш ва тарбиявий вазифаларни амалга оширишда меҳнат коллективининг ролини янада кўтаришга кўмаклашади.

Конференцияларнинг ишида гоявий-сиёсий иш, коммунистларга марксизм-ленинизмни ўргатиш, барча меҳнаткашларни юксак онглилик, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида, буржуа идеологиясига муросасиз бўлиш, коммунистик ахлоқ нормаларига қаттиқ риоя этиш руҳида тарбиялаш масалалари ўзининг кенг ифодасини топди. Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида, партия билан давлат халқаро фаолиятга талабларини ҳисобга олиб, идеология иши савиясини янада оширишнинг конкрет тадбирлари белгиланди.

Партия XXIV съезди, КПСС Марказий Комитети қарорларини изчиллик билан амалга ошириш партия сафларини янада кўпроқ мустаҳкамлаш, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги авангардлик ролини ошириш, уларнинг ижодий активлиги ва интизомини кучайтириш, ишнинг ҳамма соҳаларини, бошланғич ташкилотларнинг меҳнат коллективлари фаолиятига таъсирини кучайтириш имконини берди. Партия ҳўжжатлари алмаштирилаётганлиги бунга кўп жиҳатдан кўмаклашади. Ташкилий-партиявий ишни бундан буён ҳам қунт билан такомиллаштириш, барча партия ташкилотларида ўртоқларча талабчанлик, принципиал танқид, камчиликларга нисбатан муросасизлик вазиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, раҳбарликнинг ленинча нормалари ва принципларига қаттиқ риоя этиш лозимлигини конференциялар таъкидлаб ўтди.

Конференцияларда раҳбар органлар зўр якдиллик вазиятида сайланди. Партия комитетларининг сифат состави янада яхшиланди, уларнинг сафига янги кучлар қўшилди. Район, шаҳар, округ, область ва ўлка комитетларининг аъзолари ва аъзоликкa кандидатлари орасида ишчилар ва колхозчилар, хотин-қизлар анча кўпайди. Партия комитетлари амалий ҳаракатининг аниқ программасига эга бўлган ҳолда янги ғайрат билан ишга киришдилар.

Партия конференциялари тугалланаётган кунларда мамлакат партия билан халқнинг буюк жасорати — қўриқ ерлар ўзлаштирила бошланганлигининг 20 йиллигини тантанали равишда нишонлади. Бу тантаналар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Олмаотадаги нутқи мамлакатимиз бепоён ерларида амалга оширилган ҳамма ишларнинг улуғворлигини, партия билан халқнинг навбатдаги вазифаларини, коммунистик қурилишнинг улкан истиқболларини яққол ёритиб берди.

Партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг гоят кенг оммаси билан алоқани доимо мустаҳкамлаб, ўзларининг КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги бутун фаолиятларини такомиллаштириб, инсоннинг тарихий тараққиёти авангардида бораётган улуғ Ватанимизнинг сиёсий, иштисодий ва мудофаа қудратини янада муттасил юксалтиришни таъминлайдилар.

(«ПРАВДА»нинг 19 мартдаги бош мақоласи).

СОВЕТ-НОРВЕГИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

18 март куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Норвегия бош министри Т. Браттели ўртасида музокаралар бошланди.

Совет-Норвегия яхши қўшничилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалалар, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи актуал халқаро проблемалар муҳокама қилинди. * * *

Совет ҳукумати 18 мартда Катта Кремль саройида Норвегия бош министри Трюгве Браттели шарафига зиёфат берди.

Совет томонидан зиёфатда СССР Министрлар Совети раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда СССР Министрлар Совети раиси А. Н. Косигин ва Норвегия Бош министри Трюгве Браттели нутқ сўзладилар. (ТАСС).

МОСКВАГА БОРА ТУРИБ

Бангладеш Халқ Республикасининг Бош министри Мужибур Раҳмон Даккадан Москвага бора туриб 19 мартда Тошкентда тўхтади. Тошкент аэропортида Мужибур Раҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари А. Д. Бесчастнов, О. У. Салимов, Т. Н. Осетров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА САЙЛОВ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Республика фанининг штабн тўлдирилди. Бир қанча таниқли олимлар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги ва мухбир аъзолари қилиб сайланди.

Академик О. С. Содиқов яна Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг президенти қилиб сайланди.

С. Н. Рижов республика академиясининг биринчи вице-президенти қилиб сайланди. И. М. Мўминов, С. Х. Сироҳиддинов вице-президентлар қилиб сайландилар.

О. М. Акромхўжаев, У. О. Орифов, Х. Н. Боймухамедов, О. Б. Жамолов, С. К. Знёдуллаев, В. Қ. Қобулов , С. К. Камолов, М. Н. Набиев, Ё. Х. Тўрақулов, Ш. Ш. Шоабдурахмонов, В. П. Шчеглов президиум аъзолари қилиб сайландилар. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА АВИАТОРЛАРИНИНГ МАРРАЛАРИ

19 март куни Тошкентда республика граждан авиацияси ходимлари партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, область ва шаҳар ижроия комитетларининг раислари ва раис ўринбосарлари, қишлоқ хўжалиги, совхозлар, савдо, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, алоқа министрликларининг, «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раҳбарлари, Ўзбекистон граждан авиацияси корхоналарининг команда — раҳбар состави, партия, комсомол ташкилотларининг секретарлари, касаба союз маҳаллий комитетларининг раислари, ишлаб чиқариш илғорлари қатнашдилар.

Йиғилишда 1973 йилги иш якунлари ва республика граждан авиацияси ходимларининг КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумининг қарорларидан келиб чиқувчи вазифалари қараб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин ушбу масала юзасидан доклад қилди.

Йиғилишда СССР граждан авиацияси министрининг ўринбосари Ю. Г. Мамсуров нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов, КПСС Марказий Комитетининг инструктори Н. Е. Толстико қатнашдилар. (ЎзТАГ).



Далаларда кўкламги ишлар қизиб кетди. Ғаллакорлар баҳорикор ерларга дон экиш ишларини уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз ғаллакорлари бу йил 804 гектар майдонга дон экиб, ҳар гектар ердан 12 центнердан ошириб ҳосил олишга аҳд қилди. Хўжалик далаларида 6 та сеялкада ҳар куни 100 гектардан ортиқ майдонга барака уруғи экмоқда. СУРАТЛАРДА: (чапда) илғор механизатор В. Г. ГУЛДОБИН, (ўнгда) сеялкаларда дон экиш пайти.

А. Тўраев фотолари.

Ўрта Осиё пиллачилик илмий-текшириш институти олимлари узоқ йиллик самарали тадқиқотлар олиб бориб, юқори сифатли шойи берадиган пилла навини яратдилар. Улар илмий-текшириш ишларини давом эттириб, пилланинг таннархини камайтириш йўлларини ҳам аниқлашмоқда. Колхоз ва совхозларга янги қурт уруғларини тавсия этишмоқда. Юқоридаги суратда қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ю. Миралимов билан кичик илмий ходим Н. Финаева, пастда бўлим мудири Э. Досов ҳамда лаборант Н. Султоновалар лабораторияда тажриба ўтказмоқдалар.

В. Салов фотолари.

БАЙРОҚДОР КОЛЛЕКТИВ

Тошкент кабель заводи сўнгги йилларда юксалиш йўлидан бориб, пойтахтдаги илғор саноат корхоналари сафидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Корхонанинг тез суръатлар билан юксалишида 8-цех коллективининг ҳам баракали ҳиссаси бор. У беш йилликнинг ҳал қилувчи йили давлат планини 24 ноябрдаёқ бажариб, қолган вақт ичида планга қўшимча 100 минг тоннадан зиёд маҳсулот етказиб берди. Иш вақтидан унумли фойдаланиш кўрсаткичи 1972 йилдагига нисбатан 12 процент, меҳнат унумдорлиги эса олти процент ошди. Ёнилғи ва сўрков материалларини тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига 5 минг сўм иқтисод қилинди. Бундай юқори кўрсаткичларга социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш, мавжуд резервлардан ҳамда машиналардан самарали фойдаланиш ҳисобига эришилди.

Цехдаги мавжуд тўртта бригада коллективи ўзаро мусобақадош. Йўлдош Жўраев ва Альберт Гусевлар бошлиқ бригада аъзолари мусобақада пешқадамлик қилиб, ой сайин юқори натижаларга эришмоқдалар. Мусобақа шарофати билан цехдаги 80 дан ортиқ ишчи коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга эга бўлди. Ҳал қилувчи йил социалистик мусобақасида яхши натижаларга эришгани учун 16 кишига «1973 йил социалистик мусобақаси голиби» кўкрак нишони берилди.

Машиналардан фойдаланиш коэффициентининг ортиб боришида Григорий Кондратов бошлиқ ремонт-слесарчилар бригадаси аъзоларининг хизматлари катта. Ремонтчилар смена топшириқларини тез ва сифатли бажариб, ой сайин 250 сўмдан пул мукофоти олишга муваффақ бўлмоқдалар.

Цехда вақтдан ўзиб ишлаётган беш йиллик илғорларининг сони кўпайиб бормоқда. Абдувоҳид Иброҳимов, Владимир Акифьев, Виталий Шалин, Шавкат Тўрахонов, Николай Гульбке, Виктор Крошенников сингари илғорлар айниқ кунларда белгиловчи йилнинг сўнгги квартали ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Яқинда завод меҳнат аҳлиниқ ишга олиб келиб, сўнг уйларига элтиб қўювчи автобус шофёрларидан 15 киши сменадан бўш вақтларида автопогрузчикларга ёрдам бериш ташабусқ билан чиқди. Асад Убайдуллаев, Тожибой Бегматов, Холмурод Турдиматов сингари меҳнатсевар шофёрларнинг бу ташабуси ҳамкасблари меҳнатининг янада унумли бўлишига ёрдам бермоқда.

— КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан,— дейди цех бошлиғи Йўлдош Халилов, — ишчиларимиз якка ва коллектив ҳолда оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

Илғор цех ишчилари, ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашда дастлабки зафар қучдилар. Улар январь ойи планидаги 143 минг тонна ўрнига 183 минг тонна юк ташиб, топшириқни 157,2 процент қилиб бажаришди. Бу муваффақиятдан руҳланган коллектив ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, оширилган социалистик мажбурият олди. Цех ишчилари белгиловчи йил планини биринчи декабргача бажариб, қолган вақт ичида планга қўшимча 100 минг тонна маҳсулот ташиб беришга аҳд қилдилар.

Э. ТУЛАГАНОВ.

МАЛАКА ОШИРМОҚДАЛАР

Яқинда Тошкент область партия комитети снёсий маорифи уйида марксизм-ленинизм асослари мактабининг марксча-ленинча философия курси бўйича область ва шаҳар доимий семинари пропагандистларнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

Марксча-ленинча фалсафанинг диалектик материализм курси бўйича ўтказилган машғулотда Тошкент Давлат педагогика институти фалсафа кафедрасининг доценти Н. Усмонов «В. И. Ленининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асари ҳақида», Тошкент давлат университетининг доцентлари В. С. Никитченко ва И. Рахимовлар «Материалистик диалектика категориялари темасини ўрганиш методикаси», Тошкент шаҳар партия комитети кечки марксизм-ленинизм университетининг директори Т. Ф. Шатов ва Тошкент давлат университети доценти, фалсафа фанлари кандидати Х. Жалиловлар «Партия пропагандасининг ленинча принциплари» деган темаларда лекциялар ўқидилар, консультациялар ўтказдилар.

Марксча-ленинча фалсафанинг таркхий материализм курсини ўрганувчиларга доцентлардан Н. Косенков, Ф. Прудников ва Ф. Исмоилов ҳамда И. Просмушкин турли темаларда лекция-консультациялар ўтказдилар.

Шунингдек, семинар машғулотида пропагандистлар ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Ш. ТУЛАГАНОВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Тошкент Автомобиль-йўлсозлик институтининг бир группа студентлари яқинда янги ташаббус бошлаб бердилар. Улар барча студентларни ўқишдан бўш вақтларида Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги нишонланадиган йили ишга тушириладиган объектларга ҳашарга чиқиб, шу кунги маблағни беш йиллик фондига ўтказишга чақирдилар.

Ҳашарда институтнинг 22- ва 25-группа студентлари пешқадамлик қилишмоқда. Улар шаҳарда қад кўтараётган «Зарафшон» ресторани қурилишига ҳашарга чиқиб, 10 машинадан ортиқ бетон қоришмасини юқори қаватларга етказиб бердилар.

Р. АҲАДОВ.

Жаҳон янгиликлари

КАТТА ҚИЗИҚИШ

ПРАГА, 18 март. (ТАСС). «Интервидение» системаси орқали ЧССР қабул қилиб олаётган қардош социалистик мамлакатларнинг телепрограммалари Чехословакия тамошабиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Республика телевиденнеси ўтган йили 460 та шундай эшиттириш кўрсатди. Улар орасида шундай эшиттиришлардан 170 таси СССРдан олиб кўрсатилди.

Чехословакия телевиденнеси ўз навбатида «Интервидение» системаси орқали ўтган йили қардош мамлакатларга 200 дан ортиқ программа кўрсатди.

ИВРИДА ВИСТАВКА

ПАРИЖ, 18 март. (ТАСС). Париж яқинидаги Иври деган жойда иккинчи жаҳон уруши йилларида Франциядаги қаршилик ҳаракатининг асосий босқичларига бағишланган виставка очилди.

Франция фашист босқинчиларидан озод қилинганлигига бу йил 30 йил тўлади. Шу муносабат билан ташкил этилган бу виставка кўплаб қизиқарли ҳужжатлар ёрдамида Францияда қаршилик ҳаракати қандай ривожланганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Виставка халқни босқинчиларга қарши чиқишга даъват этган мард ватанпарварлар — француз коммунистларининг буюк ролини кўрсатади. Виставка ҳужжатлари совет қўшинларининг гитлерчилар Германияси устидан қозонган ғалабасининг қаршилик ҳаракати учун муҳим аҳамиятини кўрсатади. Виставкани очиш маросими чоғида Франция Коммунистик партиясининг бош секретари Ж. Марше нутқ сўзлади. Виставкани очиш маросимида қаршилик ҳаракатининг кўплаб собиқ қатнашчилари, шу жумладан полковник Рорь-Танги, Андре Толле, Франсуа-Бийу, Жорж Коньо ҳозир бўлишди. Немис босқинчиларига қаршилик кўрсатиш, деб уқтирди у, мамлакатимиз тарихидаги шонли саҳифа бўлди. Франция Коммунистик партияси, ишчилар синфининг партияси қаршилик ҳаракатида ҳал қилувчи роль ўйнади, деб таъкидлади у. Франция Коммунистик партияси ўзининг миллий масъулият ҳис-туйғусини қаршилик ҳаракатида бир неча бор намойиш этди.

БИНОКОРЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

БУДАПЕШТ, 18 март. (ТАСС). Венгрия бинокорлари бу йилни муваффақиятли бошладилар. Улар дастлабки икки ой мобайнида 1778 та янги квартирани ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 34 процент кўп квартирани фойдаланишга топширдилар. Мавжуд қувватлардан тўлароқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, уйсозлик комбинатларини қуриш учун капитал маблағлар сарфлашни кўпайтириш туфайли ана шундай юксак кўрсаткичларга эришилди. Бу йил ана шу мақсадлар учун бир миллиард форинтдан знёд маблағ сарфлаш мўлжалланган қўйилди.

ЯПОНИЯ СТУДЕНТЛАРИ РАҲБАРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

ТОКИО, 18 март. (ТАСС). Студентлар ўзини-ўзи бошқариш органлари Умумяпония федерацияси студентларнинг турмуш шароитини ва таълим олишини яхшилаш, шахсий олий ўқув юртларининг эҳтиёжлари учун ҳукумат ажратадиган маблағларни кўпайтириш учун, олий таълим соҳасида антидемократик тадбирларга қарши кураш ойлиги ўтказишга қарор қилди.

Федерал мамлакатнинг барча префектураларида студентларнинг учта бирлашган чиқишини ўтказишни планлаштирмоқда.

КОМБОДЖАДА ЖАНГЛАР

БАНГКОК, 18 март. (ТАСС). Комбоджа миллий озодлик халқ қуролли кучлари Пномпендан 40 километр шимолдаги Удонг шаҳрида душман гарнизонига ҳужум қилди. Кўча жанглари чоғида Пномпень қўшинлари катта талофот кўриб, шаҳарнинг жанубий чеккаларига чекинишга мажбур бўлди. Ҳозирги вақтда Удонг шаҳрининг чеккаларида жанг олиб борилмоқда. Бу шаҳар ўтган асрда мамлакатнинг қиролли пойтахти бўлган эди.

Ватанпарварлар Камбоджанинг жанубида Кампот шаҳрида ўраб олинган Пномпень қўшинларига қарши янги ҳужумлар уюштиришди. Сўнгги маълумотларга кўра, шу шаҳар марказидан икки километр нарида шиддатли жанглар бўлмоқда. Пномпень қўшинлари Такео шаҳри районидаги Саксампеу, Кбалпу ва Ватпо аҳоли пунктларида ўз позицияларини ташлаб кетдилар.

ЭРОН АҲОЛИСИ

ТЕҲРОН, 18 март. (ТАСС). Эълон қилинган статистика маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда Эрон аҳолиси 31 миллион 845 минг 452 кишига етган. Эрон пойтахтида уч ярим миллиондан кўпроқ киши яшаётган.

ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР БАҲОРГА ШАЙМИ?

Далаларда баҳор шабадаси эсмоқда. Зиммаларига улкан мажбурият олиб меҳнат қилаётган пахтакор, сабзавоткор ва чорвадорлар тадбиркорлик билан иш юритмоқдалар. Дала ишлари тобора қизғин тус олдирилмоқда. Хўжаликлардаги трактор, сеялка ва бошқа асбоб-ускуналар баҳорга асосан шай қилиб қўйилди. Далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тартибга келтириш, уруғлик жамғариш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Оққўрғон ва Бўка район пахтакорлари азалдан бир-бирига устоз, мусобақадош. Улар бир-бирларидан тажриба ўрганиб, фан ютуқлари асосида иш юритадилар.

Яқинда мусобақадош бўкалик пахтакорлар Оққўрғон район хўжаликларида бўлишди.

Оққўрғонликлар ўтган йили улкан муваффақиятга эришдилар. Улар пахтачиликни комплекс механизациялаш, гектар бошига олинадиган ҳосилдорликни ошириш соҳасида ибратли ишларни амалга оширдилар. Кўпгина хўжаликларда ҳар гектар ердан 40—45 центнердан ошириб «оқ олтин» етиштирилди. Илғорлар тажрибаси, улар қўлга киритган муваффақият барчани янги зафарларга руҳлантирди. Райондаги «Ленинобод» ва Ҳамид Олимжон номли колхозларга ўтган хўжалик йилида эришилган юксак муваффақиятлари учун Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Дала қаҳрамонларининг меҳнатига берилган бу баҳо уларни янада самарали меҳнат қилишга, деҳқончилик маданиятини ошириб, пахтачиликда улкан муваффақиятларни қўлга киритишга чорламоқда.

Район деҳқонлари баҳорнинг дастлабки кунлариданоқ ишларини қизитиб юбордилар. Барча хўжаликларда техника ремонти муддатидан илгари тугалланди. Далага маҳаллий ўғит чиқариш, уруғлик жамғариш, ерларни текислаш ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда. Илғор пахтакорлар, донгдор механизаторлар ўз ишларида камчиликка йўл қўймаслик, зиммаларидаги вазифани масъулият билан бажаришга ҳаракат қилмоқда. Райондаги С. Сегизбоев номли совхоз, «Ленинобод», Ҳ. Олимжон номли хўжаликларидан алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Қуйбишев номли колхоз пахтакорлари бу йил зиммаларига ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб ҳосил етиштириш мажбуриятини олишган. Улар давлатга 4 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» сотишга қарор қилганлар. Аммо, хўжаликда ҳозирдан қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу кунгача колхоз механизаторлари 25 та чопиқ тракторини ремонтдан чиқарганлар. 20 та сеялкадан 16 таси тайёрланган. 4 та сеялка ремонти эса кечикиб бормоқда. Ремонтдан чиқариб, мавсумга шайлаб қўйилган трактор ва сеялкалар бирор марта ҳам юргизилиб, синаб кўрилмаган. Трактор қисмлари ва бошқа асбоб-ускуналар ўзаро текшириш бригадаси аъзолари томонидан синаб кўрилганда уларнинг пухта ишламаслиги аниқланди. Тракторларга ўрнатилган аккумуляторлардан 12 таси заридка қилинмаган. Сеялкада чигит ва ўғит ташлаш нормасини белгиловчи механизмлар созланмаган. Техника асбаб-ускуналари хўжакўрсинга мойланган. Колхоз сабзавоткорлари ва соҳибкорлари амалга ошираётган ишлар ҳам қониқарли эмас. Шу кунгача картошка уруғи келтирилмаган. Помидор, карам ва бошқа сабзавот кўчатлари тайёрлашга киришилмаган. 14 гектар майдондаги мевали дарахтларга ҳеч қандай ишлов берилмаган. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ҳақида қайғурилмаяпти. Уруғлик тайёрлаш соҳасидаги ишлар ўлда-жўлда деса бўлади. Тайёрланиши зарур бўлган 600 килограмм беда, 12 тонна шоли, 3 тонна уруғлик картошка ҳалигача жамғарилмаган. Кунлик белгиланган иш нормалари бажарилмаяпти. Район чорвадорлари бу йил ҳар бош сигирдан 2600 литрдан ошириб сут соғиб олиш мажбуриятини олганлар. Гўшт, жун, тухум ва бошқа чорва маҳсулотлари сотишни янада кўпайтиришга аҳд қилишган. Аммо, кўпгина хўжаликларда ана шу юксак мажбуриятга яраша иш қилинмаяпти. Районда ем-хашак ва хўжаликларнинг мутахассислари чорва маҳсулотларини кўпайтириш, сифатини яхшилашни қатъий контроль қилмаяптилар. Натижада қатор хўжаликларда маҳсулот миқдори камайиб кетмоқда.

Ана шундай камчиликлар кўзга ташланаётган хўжаликлардан бири «Озод» колхозидир. Колхоз сут-товар фермасида ем-хашак ортиқча исроф бўлмоқда. Хашакни майдалаб бериш йўлга қўйилмаган. Молхоналар ифлос, ферма территориясида кўплаб гўнг уюлиб ётипти. Чорвадорлар ўртасида сиёсий ва тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Кўпгина сут соғувчилар планидан ошиқча топширилиадиган маҳсулотга тўланадиган қўшимча ҳақни билишмайди. Райондаги Навоий номли, Карл Маркс ва бошқа хўжаликларда ҳам ана шундай жиддий камчиликлар аниқланди.

Оққўрғонлик пахтакорлар бу йил давлатга 62 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин», 21,5 минг тоннадан ортиқ луб, 3000 тоннага яқин шоли ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари топширишга қарор қилганлар. Ана шундай юксак марра ва режаларни кўзлаб иш юритаётган деҳқонлар ҳозирги кунда дала ишларини бўшаштирмасликлари керак. Мусобақадошларнинг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олиб, дала ишларида йўл қўйилаётган камчиликларни тезда тугатиш, чигит экиш мавсумини пухта ҳозирлик билан кутиб олишлари лозим.

Р. ҚОДИРОВ,
Бўка район ижроия комитети раиси, ўзаро текшириш бригадаси бошлиғи.

К. СОДИҚОВ,
район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи.

Н. ТЎРАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТ

Ўзбек тилшунос олимлари сафига яна бир ёш олим-тадқиқотчи қўшилди. Шоакбар Шоазизов бир неча йилдан бери «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида кесим ва унинг фойдаланиши» устида илмий-тадқиқотлар ишини олиб борди.

Ёш тадқиқотчи ўз илмий ишини филология фанлари доктори, профессор Ш. Раҳматуллаев раҳбарлигида тайёрлади.

Филология фанлари доктори профессор А. Сафаев ва филология фанлари кандидати А. Аҳмедов ўртоқлар мазкур диссертацион иш юзасидан расмий оппонентлик қилдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти ҳузуридаги илмий Совет мажлисида Ш. Шоазизов кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Илмий совет аъзолари ўртоқ Ш. Шоазизовга филология фанлари кандидати илмий даражасини беришга қарор қилдилар.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА.

ЭНГ ЯХШИ ПРОПАГАНДИСТЛАРИМИЗ

ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ

Ишдан сўнг ходимлар техника хавфсизлиги хонасига йиғилиши керак. Улар келгуси Эгамберди лекция текстини яна бир бор кўздан кечириб, диаграммаларни тартиби билан деворга осиб чиқди. Диафильм лентасини ҳам тайёрлаб қўйди.

Бугунги машғулот мавзуи— «Инженер-техник ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш» эди. Эгамберди бу мавзу юзасидан катта тайёрлик кўрди, ўз коллективи — «Сельхозтехника» Бўка район бирлашмаси мисоллари асосида кўп плакатлар тайёрлади. Тингловчиларга айниқса қизиқиш туғдирадиган, кейинги йилларда меҳнат унумдорлигининг ўсишига нисбатан ўртача иш ҳақининг ошиши ҳақидаги маълумотларни тўпладди. Иш ҳақи фондининг планли ва фактик динамикаси ҳамда структураси ҳақидаги, янгича ҳақ тўлашнинг жорий этилиши билан тариф ставкалар ва окладларнинг қанча бўлиши ҳақидаги маълумотларни кўриб чиқди.

Ўттиз беш тингловчининг ҳаммаси йиғилди. Энди машғулотни бошлаш мумкин...

Ҳар ҳафта шундай. Чоршанба кун пропагандист Эгамберди Юсуповнинг қизиқарли, фактларга бой лекцияси коллектив учун бирон янгиликни билиб олишга, назарий қоидани тушуниб етишга ёрдам қилади.

Эгамберди хали ёш. Иш стажи ҳам катта эмас. Тошкент Давлат политехника институтини тамомлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин ундаги интилиш ,билимга чанқоқлик коллективдагиларнинг ҳавасини келтиради. Шуянг учун бирлашмани; бу ҳаракатчан технологига масъулиятли жамоат ишини топшириб қўйишди. У машғулотдан-машғулотга тажриба тўплаб, пропагандистлик маҳоратини эгаллаб боряпти. Унинг айниқса «Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Куба республикасига сафари», «Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг 25 йиллиги» тўғрисидаги суҳбатлари тингловчиларда яхши таассурот колдирди.

Эгамбердини район партия комитети снёсий маориф уйида навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўраётган пайтда учратдик. Пропагандистнинг олдида «Правда», «Экономическая газета»нинг, «Коммунист» журналининг кейинги сонлари турарди. У лекцияга тааллуқли материалларни қизиқиб кўриб чиқди.

— Тингловчилар эътиборини жалб қилаолсанг, ўзинг ҳам хурсанд бўларкансан,— дейди Юсупов.

У коллективнинг иқтисодий ўқувга қизиқиши яхши самара бераётганлигини гапириб берди. Инженер-ходимлар иш сифатининг яхши бўлиши, ўзларига қандай моддий манфаат келтиришини чуқур тушуниб етмоқдалар.

Бирлашмада иш мезони эса ремонтнинг сифатли бўлиши билан ўлчанади. Ўтган йил ишчилар 350 дан ортиқ тракторни ремонтдан чиқариб беришган эди. Бу йил зарур техника ремонти вақтида тугалланди. Бўка район колхозлари бирлашмадан олиб кетаётган машиналар ремонтига эътироз билдиришаётгани йўқ.

Пропагандист нормировкачи Баҳром Йўлдошев, слесарь Афанасий Ким, трактор цехининг бошлиғи Абдураҳмон Абдуллаев ва бошқаларнинг ишда ҳам, ўқишда ҳам барчага намуна бўлаётганликларини айтди.

Яқинда матбуотда Қозоғистон ССР, Белоруссия ССР ва Одесса области механизаторларининг ташаббуси эълон қилинди. Улар қишлоқ хўжалик техникасидан юксак даражада унумли фойдаланиш учун кенг социалистик мусобақа бошлашни таклиф қилдилар.

Бирлашма ходимлари пропагандистнинг техникавий хизмат кўрсатишнинг прогрессив формаларини жорий қилиш, машиналарни сақлаш учун зарур шароит вужудга келтириш ва шу тарика уларнинг ишлаш муддатини кўпайтириш, ремонтга кетадиган сарфларни қисқартириш ҳақидаги суҳбатини эътибор билан тингладилар ва илғорлар ташаббусига қўшилишга қарор қилдилар.

С. МУСАЕВ.

КЕНГ ПРОГРАММА

ДЕҲЛИ, 18 март. (ТАСС). Ҳиндистон соғлиқни сақлаш министрлиги мактабгача ёшдаги болаларга ёрдам кўрсатиш юзасидан кенг программани ишлаб чиқди. Мамлакатнинг қишлоқ жойларидаги ва олис районларидаги болаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Махсус пунктлар ташкил қилиш кўзда тутилади. Бу пунктлар болаларга медицина хизматини кўрсатиш билан бир қаторда уларни қўшимча озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлайди. Биргина Мадхья Прадеш штатининг ўзида программага мувофиқ 1,5 миллион болага ёрдам берилади.

Чехословакия. Ишлаб чиқариш коллективлари Словакия миллий қўзғолони ҳамда Чехословакияни Совет Армияси томонидан озод этилганлигининг 30 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнатда янги ютуқларни қўлга киритмоқда. «Збройовка» заводи ишчилари, инженерлари беш йиллик экспорт планини 1975 йил 30 сентябрга бажаришга аҳд қилишган. Суратда: ишчи Пжемисл Поспишил Болгарияда қурилаётган атом электростанцияси учун мўлжалланган автоматик қурилмани йиғмоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ

№11

ШИФОБАХШ ФАСЛ

Бу йил қиш қаттиқ бўлди. Аямажиз ҳам бўш келмади. Давосига олса, шифокорнинг ўзи кириб келади, деганларидек мана баҳор ҳам кўриниб қолди.

Қуёш, майса, шабада, соф ҳаво, иштаҳа, меҳнат ва муҳаббатдан аъло даво йўқ оламда.

Қуёш нурлари таъсири остида одам саломатлиги учун зарарли зах ва нам кўтарилади, ер ва ҳаво мусаффо бўлади. Қуёш нурлари организмга таъсир этиб, аста-секин суякларни иситади, физиологик жараёнларни олға суради. Ультрабинафша нурлар эса томирларни кенгайтиради, терига жило беради. Оқар сувлар, шаршаралар, қушлар нидоси ва шўхлиги кишига кўтаринки руҳ ато этади. Майин шабада—кислород таъминотини хийла яхшилайди, ҳавони тозалайди. Эрта баҳорда соф ҳаво тиниқ ва ёқимли бўлиб, ўпкага ўзи йўл топади.

Баҳор фаслидан, фазилатидан беморлар шифо топганлар. Ҳакимлар соғу беморларни табиат қучоғига чорлаганлар. Буюк доршунос Д. Зубрицкий ҳам касалликларни даволашда шифокор фақат табиатга суяниши керак, чунки кўпинча табиатнинг ўзи даволаб юборади, деб таъкидлаган эди.

Хўш, беминнат табиатдан қандай баҳра олиш мумкин?

Операциядан чиққан кучсиз беморлар, юқумли ёки оғир касалликдан соғайган дармонсизлар, жисмоний меҳнатдан чарчаган кишилар, гўдак ва кексалар ўзларини ҳавога ва қуёшга тоблаб оладилар. Шунда сўлиган организмга қон югуради, жон киради, иштаҳа очилади, иситара ҳам иссиқ бўлади.

Наврўз байрамларида тоғу-тошларга чиқилади, шаршара ёки дарё бўйларида дам олинади. Одам руҳиятига ижобий таъсир этувчи кулгили ёки жозибали ўйинлар «волейбол, футбол, ювиниш, чўмилиш, рақсга тушиш уюштирилади. Масхарабоз ёки аскиячилар давраси, дор ёки от ўйинлари, миллий кураш ов қилиш ёки шнёда саёҳатга чиқиш, хуллас, актив ҳордиқ чиқариш кишининг кучига-куч қўшади, баҳри-дили очилади.

Агар шу пайтда ёмғир томчиласа, чақмоқ чақиб, момақалдироқ гулдираб турса одам ўзини ниҳоят енгил сезади. Чунки, юрак жўшқин уради, нафас чуқурлашади, бутун аъзо ва тўқималар дардлардан мусаффо бўлади.

Энди иштаҳа очилиб, овқатланиш пайти келди. Агар овқатларда витаминли кўкатлар бўлмаса (ялпиз, пиёз, чеснок, равоч, отқулоқ, сабзи, шолғом, карам, кашнич укроп, довучча, ток барги) шунча қилинган меҳнат, ҳордиқ афсуски бекорга кетади. Чунки баҳорги «илиқ узилди» аталмиш дармонсизликнинг бирдан-бир давоси ана шу витаминлардир.

Табиат қучоғида тўғри ва актив дам олган киши ажаб кайфият сурадики, унинг файзи анча кунларгача сақланади.

Табиат манзараларига, тоғларга етиб боролмаган кишилар бир ерда ўтиравермай, майдон ва хиёбонларда, боғ ва кўлларда, спорт залларида, кино-театрларда кўнгилли дам олишлари мумкин.

Табиатнинг инсонга бегараз ато этган инъомидан киши соғайиб кетади. Табиатшуносларнинг айтишича, Чехословакия, Югославия ва бошқа мамлакатларда табиат қучоғига чиққан кишилар битта, кўпи билан иккита гул узиб олади. Табиатга ана шундай муносабатда бўлиш ибратли бўлиб, табиатпарварликни ҳар бир кишининг онгига сингдириш керак.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
медицина фанлари кандидатлари.

ШИРИНСУХАНЛАР

Тани-сиҳатликка нима етсин! Аммо, иссиқ жон, бир нарса деб бўлмайди, киши бетоб бўлиб қолиши мумкин.

Касаллик кишини нотинч қилади. Оғир кечса, ҳаратини кўтариб, аъзо-баданини қақшатиб оғритади. Қисқаси, дард ёмон нарса.

Одатда фаслларга қараб турли касалликлар тарқалади. Эрта баҳорда айрим кишилар дармонсизликдан, тинка қуришидан шикоятланадилар.

Кўклам ҳавоси ўзгарувчан бўлади. Баъзан ўқтин-ўқтин совуққина шамол баданни жунжитади, гоҳ ҳаво очилиб, гоҳ ёмғир бўлиб туради. Ўзинг изга маълумки, бод, радикулит каби касалликлар нам ҳаво билан чиқиша олмайди. Натижада бу дардга мубтало бўлган кишиларда оғриқ пайдо бўлади.

Ана шуларни инобатга олиб, шифохонамизда керакли тадбир-чораларни кўриб қўйдик. Уларни амалга оширишда С. Саидорипов, О. Оқилов, А. Удачина каби тажрибали врачларимизнинг иш усуллари айниқса қўл келаётир. Бу шифокорлар билан биз фахрланамиз. Улар ўз бурчларини сидқидилдан адо этиб, беморлар иззат-ҳурматини қозонаётганларини «Шикоятлар дафтарчаси»га ёзиб қолдирилган миннатдорчилик сўзларидан ҳам билиб олса бўлади.

«Доктор Султон Саидорипова меҳрим жуда ортди,— деб ёзди отахон Жўра Саидов.— Мени биринчи марта кўраётганида бирор яқин танишига ўхшатяптимикан, дегандим. Йўқ, умридан барака топгир, у ҳаммага ҳам шундай муомалада бўлар экан. Шифокорнинг енгил қўли, ширинсуханлиги дардимга малҳам бўлди».

Касалхонамизда иссиқлик, парафин, ёруғлиқ нурлари ёрдами билан даволаш йўлга қўйилди. Даволаш ва тўғри нафас олиш гимнастикалари ҳам яхши наф келтирмоқда.

Мақсадимиз — беморларга шифо бахш этиш. Шундай экан, биз ўз вазифамизни тўла адо этиб, сиҳат-саломатликни таъминлашга муносиб улушимизни қўшамиз.

Ботир НАБИЕВ,
Оржоникидзе районидаги «Киров» касалхонасининг бош врачи.

Чимён тоғи. Ҳали унда қиш:
Ҳамма ёқни қоплаб ётар қор.
Аммо арча чекмайди ташвиш,
Вужудида қулф урар баҳор,
Совуқлардан ҳайиқмай ўсар:
Қўшиғида исёнкор бир бонг.
Қувонч билан кўксига босар
Юрак янглиғ қуёшни ҳар тонг.

В. Таран фотоэтюди.

КЎКЛАМ АЖОЙИБОТЛАРИ

ЭРТА баҳорда баланд тоғ ёнбағридаги бойчечаклар қаттиқ муз пардасини ёриб чиқиб, қуёш иссиғидан баҳраманд бўлади. Бунақа нимжон ўсимликда шунчалик «куч»нинг пайдо бўлиши хужайранинг сув билан тўлишиши, таранглашиши туфайли рўй беради.

●

ҲАВОНИНГ ўзгаришини қалдирғочлар жуда яхши сезади. Агар қалдирғочлар ўз инидан кўра узоқроққа кетиб қолса ва қаноти ерга тегай-тегай, деб парвоз қилса, момақалдироқ гулдираб, ёмғир ёғади.

●

КУКСУЛТОН меваси кишини бардам, бақувват қилади. Тинка қуришса, бош айланиш, кўз хиралашганда кўксултон тавсия қилинади. Иштаҳаси йўқ кишилар овқатдан олдин кунига 5-6 дона бу мевадан еб турсалар, иштаҳа очилиб кетади. Ичак, ошқозон фаолиятини маромига солади. Буйрак тошларини эритади, хиралаша бошлаган кўзни равшан қилади.

САЁҲАТ—РОҲАТ

Кескир дудамасини қайириб келган қиш ҳам чекинди. Ҳадемай қир-адрлар ям-яшил майсаларга бурканади, атрофни, узоқ-узоқларни лола-қизғалдоқлар безайди.

Шу кўклам кези ўлкамизда янги саёҳат мавсумини бошлаб беради. Саёҳат—роҳат, деганларича бор. Олис йўллар, сўқмоқлар оша саёҳатга отланишнинг ўзгача завқ-шавқи бор. Хўш, ҳозир туристларни қайси манзилгоҳлар ўзига чорламоқда? Қандай маршрутлар бўйлаб йўлга чиқиладиг? Туризмни ривожлантириш истиқболлари қандай?

Ўзбекистон туризм бўйича республика Совети бу масалани йил бошидаёқ кўрган эди. Аввало, саёҳат маршрутларининг географияси анча кенгайтирилганлигини айтиш керак. Тошкент—Киев ҳамда Тошкент—Волгоград маршрути бўйича йўл оладиган туристлар учун қулай ва чиройли вагонлар ажратилди. Германия Демократик Республикасида тайёрланган вагонлар ҳам туристик поездлар составига қўшилди.

Йўл-йўлакай тўхтаб ўтиладиган темир йўл бекатлари ва вокзаллар кенгайтирилиб, ободонлаштирилди. Саёҳатчиларга қулай бўлсин, деб жойларда экскурсия бюролари ташкил этилди. Олмалиқ, Ангрен, Бекобод ва Чустда бундай бюролар очиладиган бўлди. Маршрутлар бўйича ўзингизни қизиқтираётган масалалар юзасидан уларга мурожаат қилишингиз, фойдали маслаҳатлар олишингиз мумкин.

Автобусда юриб, жойларни томоша қилишни ёқтирувчилар оз дейсизми? Автобусларда сафарларга чиқиш учун ҳам алоҳида эътибор берилди. Булар, серқуёш республикамиз территориясида бўладиган саёҳатлар учун мўлжалланган, албатта.

Ўтган йили экскурсион автобуслардан ўттизга яқини хизматда бўлган эди. Туризм бўйича республика Совети ўзбек диёрини айланиб чиқишга қизиқувчилар сони анча ортганлигини инобатга олиб, қўшимча тадбир белгилади. Эндиликда 50 дан ортиқ автобус экскурсиячиларни йўлда олиб юради.

«Ўз ўлкангни сев ва ўрган» деган шиор остида уюштириладиган туристик-экскурсион саёҳатларда бу йил талайгина ёшлар қатнашиш истагини билдирдилар. Бу маршрутларга, айниқса олий ўқув юртларининг студентлари, ҳунартехника билим юртлари ва ўрта мактабларнинг ўқувчилари орасида қизиқиш катта. Путёвкалар касаба союз ташкилотлари томонидан тарқатилади. Айрим ёшлар бепул ёки арзон нархда сафарга чиқишлари мумкин. Ўқиш аълочилари ва ишчан ташкилотчиларга шундай ҳуқуқ берилди.

Экскурсиялар давомида саломатлик маршрутлари бўйича суҳбатлар ташкил этилади, турли қизиқарли ўйин ва кечалар ўтказилади. Бунинг учун малакали лекторлар, ташкилотчилар экскурсиячиларга қўшиб қўйилади.

Ўлкамизнинг ўркач-ўркач чўққили тоғ этаклари, тоғ-тошлари, ўрмон ва дарёлари бўйлаб давом этадиган туристик саёҳатлар маршрутлари ҳам тузилди. Уларда республикамиз меҳнаткашлари билан бир қаторда мамлакатимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларидан келган меҳмонлар ҳам қатнашишади. Ўлкамизни ўрганувчилар дам олиш зоналари ва туристик базаларни ҳам бориб кўрадилар, донгдор кишилар билан учрашадилар. Шу мақсадларда республикамиз фабрика-завод касаба союз комитетларига ўн саккиз минг дона путёвка тарқатилди.

Серқуёш республикамизнинг меҳри-гиёси бор. Шу сабабли ўзбек диёрига саёҳатга келувчилар сони йил сайин ортиб бормоқда. Саёҳатчи-меҳмонларнинг Ўзбекистон билан яқиндан танишишлари учун алоҳида маршрутлар белгилаб қўйилди.

Бу йил она-Ватанимизнинг турли бурчакларидан 140 туристик поезд ўзбек диёрига йўл олади. Улар адр-қирларга, тоғ-тошларга чиқадилар, табиатнинг ажиб ҳуснини томоша қиладилар. Янги меҳмонхоналар ҳозирланмоқда. «Юнусобод» массивида шундай бинолардан бири қад кўтаради.

Ҳозир бизда 7 та туристик база ишлаб турибди. «Чимён», «Шоҳимардон», «Самарқанд» ва бошқа турбазалар мавсумга ҳар томонлама тахт қилиб қўйилди. Сал нарироққа бориб, Бекободда янги туристик база очилади, Чимён турбазасининг иккинчи навбати ишга тушади.

Ҳа, бу йил Ўзбекистон учун чинакам туризм йили бўлади.

А. АЛИЕВ.

ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИДА

✦ ТОШКЕНТДАГИ шаҳар физиотерапевтик поликлиника хизматидан аҳоли мамнун. Мана салкам ўттиз йилдирки, поликлиника беморларга намунали медицина хизмати кўрсатиб келмоқда.

Бу ерда янги замонавий даволаш усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Суратда: беморларни ванналар ёрдамида даволаш пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

✦ ОҚҚУРҒОН район касалхонасида бир нечта бўлим ишлаб турибди. Стоматалогия бўлимида ҳам малакали шифокорлар ишлашмоқда. Ғ. Юсупов ана шундай жонкуяр ва моҳир врачлардан.

Х. Аввалов фотоси.

ДОНОЛАР ЎГИТИДАН

⊙ Саломатлигингизни наҳор ва баҳорда дилингизни шод бўлишидан билинг.

Г. ТОРО.

⊙ Майса, кўкат кўзга қувват беради.

ЎЗБЕК МАҚОЛИ.

⊙ Совуқ сув шифо — баданни тетик, руҳни енгил қилади.

А. ЦЕЛЬСИЙ.

⊙ Тумов соф ҳавода тузалади.

В. Н. КРАЧКОВСКИЙ.

⊙ Дори-дармон ичганингдан кўра, соф ҳавода бўлганинг маъқул.

АРАБ МАҚОЛИ.

⊙ Табиатнинг гаштини суриш учун одам соғлом, кучли ва ақлли бўлиши керак.

И. ПАВЛОВ.

⊙ Тозалик бор ерда ҳамма нарса ҳам тоза.

В. ШЕКСПИР.

⊙ Асосий даво нарсалар мана булар: соф ҳаво, совуқ сув, арра ва болта.

В. Д. ПОЛЯНОВ.

⊙ Офтоб тушган ҳовлига шифокор кирмайди.

ЎЗБЕК МАҚОЛИ.

⊙ Кабинетсиз, дипломсиз, муҳрсиз ва яна бепул даволайдиган пролетар шифокор — қуёшдир.

Н. И. ПОДВОЙСКИЙ.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

ЯЛПИЗ

Ялпизли сомса, чучварани ким ёмон кўради, дейсиз. Ялпиз суюқ овқатни ҳам хушхўр қилади. У доривор ўсимлик сифатида қадимдан маълум. Унинг таркибида хушбўй эфир мойи — ментол бўлиб, қон томирларни кенгайтириш, ич оғриқни, терининг яллиғланишини қолдириш хусусиятига эга.

Ялпиз таркибидаги эфир мойи, яъни ментол моддаси баргида кўп, танасида озроқ, гулида эса жуда кам бўлади. Шунинг учун сиз ялпизни эрта баҳорда, яъни гулламасдан аввал фақат баргини олинг.

Ялпиз суви юзга суртилса, яллиғланиш ва доғ-дуғларни кетказади. Кўп юрганда оғриган ва оғриқ кирган ҳамда шишган оёқ захрини олиш учун ҳам ялпизли сувдан фойдаланса бўлади.

Буни тайёрлаш учун 100 грамм қуритилган ялпизни 3 литр қайнаган қайноқ сувга солиб, 30—40 минутча димлаб қўйилади. Суюқлик сал совугач, уни тоғорага қўйиб, оёқ солиб ўтирилади.

Ялпизли сув ичиш учун ҳам тайёрланади. Бунинг учун бир стакан қайнаган қайноқ сувга 5 грамм қуритилган ялпиз солинади.

ОТҚУЛОҚ

Халқимиз азалдан отқулоқни ҳар хил мақсадларда ишлатиб келган. Бу ўсимликнинг барги чўзинчоқ, от қулоғига ўхшагани учун уни шу ном билан аташади.

Қиш мавсумида одамлар организмидаги витамин миқдори камаяди. Шу сабабли эрта баҳорда витаминларга бой бўлган отқулоқ, ялпиз, йўғичқа, жаҳаг каби ўсимликлардан турли хил таомлар тайёрлаб истеъмол қиладилар. (Масалан, кўк сомса, кўк чучвара).

Отқулоқ сувини соф ҳолда ич оғриққа қарши ишлатса ҳам бўлади. Агар ундан кўп муддатгача бузилмайдиган дори тайёрлайдиган бўлсангиз, бунинг учун бир стакан қайнаган қайноқ сувга икки ош қошиқ барг солинади, 30—40 минут дам егач, докада бошқа идишга сузилади. Ҳосил бўлган суюқликдан 80 грамм ажратиб олиб, устига 96 процентли спиртдан 20 грамм қўшиб, салқин ва қоронғи жойда сақланади.

Баданингизнинг бирор ерига яра чиқиб йирингласа, пичоқ кесган жой газак олса, шишса, бу хил доридан суриб компресс қилинг.

Т. МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институтининг кичик илмий ходими.

ВИСТАВКА МУКОФОТИ

Тўртинчи бригада аъзоси Боқижон Абдураҳимовга колхоз почтальони посилка квитанциясини берганда, у ажабланди.

— Ия, Москвадан посилками?

— Ҳа, Москвадан...

— Балки адашгандирсиз?..

— Сизга юборилган. Ёзиб қўйибди-ку исм-фамилянгизни...

Боқижон Абдураҳимов эртасига эрталаб квитанцияни бригада бошлиғи Неъмат Расулевга кўрсатди. У ўқиб чиқиб, Боқижонни табриклади. «Меҳнатимизга муносиб яхши мукофот» деб қўлини қисиб қўйди.

Калинин районидаги «Ленин йўли» колхози аъзолари беш йиллик планни бажариш учун курашиб, бултур айниқса юқори кўрсаткичга эришдилар. Деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни ошириб бажаргаликлари, эътиборга олиниб бир группа колхозчиларни Бутуниттифоқ халқ хўжалиги мисталкаси қиммат баҳо мукофотлар билан тақдирлади. Колхозга саккиз ўринли «УАЗ-3» маркали енгил машина юборилди.

Шулар орасида Боқижон Абдураҳимов ҳам бор эди. Унга юборилган посилкада «УЕГ—202» маркали транзистор бор экан.

В. МАҲКАМОВ.

Спорт

КУБОК УЧУН КУРАШ

Ўйин мезбонларнинг жиддий ҳужуми билан бошланди. Бу табиий эди албатта. Чунки СССР кубоги учун бўлган биринчи учрашувда пахтакорчилар Бокунинг «Нефтчи» командасига 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйган эдилар. Шу боисдан ҳам ҳамшаҳарларимиз кубок учун курашни давом эттирмоқ учун бу учрашувда бир тўп ортиғи билан рақиб устидан ғалаба қозонишлари керак эди. Пахтакорчилар шу мақсадни дилга жо қилиб, ҳужумни минут сайин кучайтирдилар.

Аммо меҳмонлар ҳам бўш келмади. Айниқса дарвозабон Сергей Кромаренко маҳорат билан ўйнади. У бугун «Нефтчи» командаси капитани ролини ҳам бажараётган эди. Масъулиятни чуқур ҳис этиб бор маҳоратини ишга солди ва дарвозани бир неча ҳавфли тўплардан асраб қолди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида кураш янада кескинлашди. Ниҳоят пахтакорчилар ярим ҳимоячиси Варюхин қулай имкониятдан фойдаланиб, рақиб дарвозасига биринчи голни киритишга муваффақ бўлди.

Ўйиннинг сўнгги минутларигача ҳисоб пахтакорчилар фойдасига ҳал бўлиб турган эди. Аммо матч тугатишига тўрт минут қолганда меҳмонлар ҳужумчиси Нурмамедов ҳимоячиларимиз хатосидан фойдаланиб ҳисобни тенглаштирди. Шундан кейин ҳамшаҳарларимиз сўнгги кучларини тўплаб, яна бир бор ҳужумга ўтдилар. Шошиб қолган «Нефтчи» ҳимоячилари ўз жарима майдонларига ёриб кирган ҳужумчиларимиздан бирига нисбатан қўпол лик ишлатдилар. Бунинг учун улар 11 метрлик пенальти билан жазоландилар. Команда капитани Абдураимов ҳисобни 2:1 га етказди.

«Пахтакор»чилар «Нефтчи» устидан ғалаба қозонган бўлсалар-да, аммо кубок ўйинларида ютқазиб қўйдилар. Чунки тўплар нисбати бўйича бокулик спортчилар устун чиқдилар. Энди улар СССР кубоги ўйинларининг 1/8 финал учрашувларида қатнашиш ҳуқуқини олдилар. 1/8 финал учрашувларида «Зенит», «Днепр», «Шахтёр» (Донецк), «Спартак» (Москва), «Торпедо» (Москва), «Арарат», СКА (Ростов — Дон), «Чёрноморец», «Динамо» (Тбилиси), «Динамо» (Москва) ва «Қайрат» командалари ҳам кубок учун ўзаро курашни давом эттирадилар.

УЧРАШУВ КУНИ БЕЛГИЛАНДИ

Жаҳон чемпионлигига даъвогар шахматчи билан Роберт Фишер ўртасида шахмат тожи учун бўладиган учрашув 1975 йил 1 июнда бошланади. Турли хил баҳоналар билан биринчи партияга келмайдиган шахматчи ўз-ўзидан мусобақадан четлаштирилади ва шахмат тожи интизомли, ўйин қондасига риоя қилиб, белгиланган кун матчига етиб келган шахматчига насиб бўлади. ФИДЕ махсус комитетининг Амстердамда бўлиб ўтган йиғилиши мана шунга қарор қилди.

Жаҳон чемпионлигига даъвогарлар ҳадемай шахмат тахтасига юзма-юз ўтирадилар. 10 апрелда Ленинградда Спасский билан Карпов, 12 апрелда эса Одессада Петросян билан Корчнойнинг ярим финал мусобақалари бошланади.

ПРОСПЕКТ ОБОДОНЛАШМОҚДА

БАҲОР келиши билан шаҳар кўчалари ва ҳиёбонларини кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин бошланиб кетди. Ҳозир барча сув шохобчалари тартиб га келтирилмоқда, микрорайонларга гул ва ниҳоллар ўтқазилмоқда. Суратда: республика сув хўжалиги министрлиги ходимлари Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектини ободонлаштирмоқдалар.

ЯХШИ ТАШАББУС

Собир Раҳимов пойтахтнинг кенжа районларидан ҳисобланади. Районда қисқа вақт ичида кўплаб турар-жой ва жамоат бинолари қуриб фойдаланишга топширилди. Янгиянги кўчалар очилиб, хиёбонлар барпо этилди.

Юбилей йилида 117 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилади. Улар «3-Қорақамиш» микрорайонида ҳамда Олимпиада шаҳарчасида бунёд этилади. Учта болалар боғчаси ва бир неча янги мактаб ишга туширилади.

Қорақамишга ҳадемай трамвай юради. 10та янги ҳиёбон меҳнаткашларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган жойига айланади. Кўчалар бўйига 147 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўқказилади.

Яқинда 119-мактаб биносида «Намуна», «Бирлик», «Ривож», «Қизил қушин», «Мевазор», «Ҳасанбой» маҳаллалари аҳолисининг савол-жавоб кечаси бўлиб ўтди. Унда район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Нурмуҳамедов шулар ҳақида гапирди. Шунингдек, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш темаларида районнинг прокуратура, милиция, суд, соғлиқни сақлаш ва социал-таъминот бўлими ходимлари суҳбат ўтказишди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги олдидан

Атоқли тожик адиби Жалол Икромий ўзбек китобхонларига кўпдан бери таниш. Унинг «Олов қизи», «Бухоронинг ўн иккинчи дарвозаси» романлари ўзбек тилига таржима қилинган. Адиб «Бухоронинг ўн иккинчи дарвозаси» трилогиясининг учинчи китобини ёзиб тугатди. Унда китобхонлар Ҳайдарқул, Асо, Фируза, Куйбишев, Файзулла ҳаёти билан танишадилар. Асарни тожик тилидан, Сами Раҳим таржима қилган. Қуйида романдан парчани газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Жалол ИКРОМИЙ.

АҒДАРИЛГАН ТАХТ

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Бухоро ҳам ҳурсанд эди, ҳам мотам тутарди.

Шаҳарнинг қинғир-қийшиқ, айланма-буралма ва серодам кўчалари сершовқин эди. Ҳовли эшикларига ва пештоқлар устига ўрнатилган қизил байроқларга бир парча-бир парчадан қора лента тикилган. Бухоро инқилобининг қизил байроғига биринчи марта шунақа қора лента тикилиши эди...

Аммо илк баҳор ўзининг бор шод-ҳуррамлиги, наъшу-намоси билан ҳукм сураётганди. Қуёш ўзининг заррин ва жилвадор кокилларини шаҳар устига хасислик қилмаётган эди. Ёқимли шабада шаҳар ташқарисидан янги унган сабзаларнинг хушбўй ҳидини олиб келарди. Мевали дарахтлар гуллаб, яшил либосларини эгниларига илганди. Одамлар энди чўчимай, шаҳардан ташқаридаги боғларга, сайрғоҳларга бемалол борадиган бўлиб қолишганди. Асад махсум ва унинг босқичи тўдасининг изи шаҳар атрофидан қуритилганди... Буларнинг ҳаммаси хурсандлик эди. Буларнинг ҳаммаси киши қалбига ором, шодлик бхш этарди.

Лекин Асад махсум милтиғининг шафқатсиз ўқидан жароҳатланган Саид паҳлавон Котон касалхонасида жон берибди, деган хабар келди. Бу хабар шу ондаёқ, одамлар ўртасида ёйилиб кетди. Ўша кунлари Бухоро халқининг катта-кичиги Саид паҳлавони яхши биларди, ундан-бундан эшитган эди; унинг қаҳрамонлиги, мардлиги худди Рустам достони каби тилдан-тилга ўтиб, бежаб-безаб, оқизмай-томизмай нақл қилинарди. Козимзода воқеаси, унинг халос этилиши, Наим заҳарнинг бошига қўмғондай мушти билан туширгани, Наим заҳарнинг аҳволи оғирлиги аллақачон шаҳарда дув-дув овоза бўлиб кетган эди. Айтишларича, Саид паҳлавон бегуноҳ қамалганларнинг аксариятини озод қилган экан. Саид паҳлавон қўрғошини олинган ўқларни Асаднинг жаллодларига бераркан, отишга ҳукм қилинганларга эса ўқ овозини эшитганларнинг ҳамон ўзларингни ерга ташлаб, ўликдай ётинглар, қизил рангни (қонга ўхшаган қизил рангни шишачаларга солиб, олдиндан бериб қўяр экан) кўкракларинга, кийимларингга суртинглар, деб ўргатиб қўяр экан. Кейин ўзи тўппонча билан уларнинг теппасига бораркан-да, пахтабанд ўқ билан отиб, аскарларни олиб кетаркан. Жаллодлар кетганидан кейин «ўлик»лар ўринларидан туришиб, жўнаб қолишаркан... Саид паҳлавон Асадни тизгинидан ушлаб тураркан, Саид паҳлавон чеканинг одами экан. Саид паҳлавон бир мушт туширса, одам тил тортмай ўларкан... ва ҳоказо ва ҳоказо...

Одамлар орасида шунчалик шов-шувга, ҳалқ муҳаббатига сазовор бўлган кишининг ўлгани ҳақидаги хабар ҳаммани қайғуга солиб қўйди. «Бухоро ахбори» газетаси ўша куни бир саҳифасини Саид паҳлавоннинг мотамига бағишлаб чиқарган эди. Саҳифа ўртасида унинг сурати босилганди. Унинг суратини Асад махсумнинг умумий аскарларидан ажратиб, озодлиги ва истиқболининг қурбони — Саид паҳлавон».

Шунингдек, газетада бугун кундузи соат ўн бирда Саид паҳлавонга «ташеъи жаноза» ўқилиши тўғрисида эълон ҳам берилган эди. Шу муносабат билан вокзалчада (яъни қўҳна Бухоро вокзали) митинг бўлиши ҳам айтилганди. Бу хабарни эшитган халқ эрталабданоқ, вокзал томонга оқа бошлади. Катта-кичик, ёшу қари, тожик, ўзбек, рус — ҳамма бораётганди. Байроқ кўтаришиб, тўда-тўда бўлиб боришарди. Лекин ашула айтилмасди, ногора чалинмасди. Ҳамма сукутда, ҳамма гамгин эди.

Бухоро вокзалининг орқасида тош ётқизилган майдонча бор эди. Милиционерлар одамларни ўша майдончага жўнатиб туришарди. Вокзал саҳнига ҳукумат аъзолари ва ташкилотларнинг раҳбарлари тўпланишган эди. Улар ўртасида Файзулла Ҳўжаев, Муҳиддинов, Окчурин ва бошқаларнинг ҳозир бўлиши бу мотам митингининг аҳамиятидан дарак берарди. Вокзал саҳнининг бир четига эшик очилиб, ичидан Ҳайдарқул билан Козимзода олдинда, орқада эса Асо билан Насимжон қизил билан қора матога ўралган тобутни кўтариб тушишди, кейин вагондан Мирак, унинг поччаси ва Саид паҳлавоннинг ёрдўстлари чиқишди. Вагон олдига яқин келган ҳукумат аъзолари тобутни ўраб олишди. Файзулла Ҳўжаев билан Окчурин ҳам Саид паҳлавоннинг тобутини кўтаришди. Ҳарбий оркестр мотам куйини чаларди, хотин-халажларнинг додфарёдидан эса кўк ларзага келарди. Мирак «дадажоним» деб ҳамма ёқни бузарди, бошқа қариндош-уруғлар ҳам қий-чув қилиб йиғлашарди. Файзулла Ҳўжаев, Асо ва Насимжоннинг кўзларида ҳам ёш айланиб турарди. Ҳайдарқул йиғламасди, у тишини-тишига қўйиб, қовоқларини осилтириб, жиддий қиёфада салобат билан борарди. Тобутни вокзал ичидан ўтказиб, бинонинг орқа томондаги зинасига олиб чиқишди. Бу ерда катта, кенг стол бўлиб, устига қизил байроқ ёзиб қўйилганди. Тобутни стол устига қўйишди. Мотам мусиқаси тинди. Бир лаҳза ҳамма жим бўлди. Иккинчи минутда киши тўплаганган вокзал кетидаги майдончада секин ҳиқ-ҳиқ қилган йиғи овозидан ва Миракнинг оҳ тортиб йиғлашидан бошқа овоз эшитилмасди. Фазони мотам руҳи босган эди.

Шаҳид бўлган Саид паҳлавонни дафн этишга бағишланган мотам митингини Файзулла Ҳўжаев очди.

Ҳайдарқул телпагини бошидан олиб, олдинроққа чиқди ва тобутга қараб гап бошлади. Унинг овози кексаларга хос, йўғон ва хаста эди.

— Азиз биродарим, паҳлавоним, қаҳрамоним Саид, — деди у. — Мен қари, мен аламзода — сенинг аканг тирик қолади-ю, сен эса бу ҳуррам ҳаётдан кўз юмасан, деб ким ҳам ўйлабди дейсан?!

Буни эшитиб, Мирак, унинг поччаси, хотинлар ва бошқалар дод-вой қилиб йиғига тушишди.

— Сенинг шундай азамат гавданг? — гапида давом этди Ҳайдарқул, — Рустам сифат жуссанг, қизғин паллада, авжи ҳаракат қилиб, жўш урадиган пайтда душманнинг аёвсиз ўқидан мадорсизланиб йиқилади-да, ер паркин бўлади, деб ким ўйлабди дейсан?! Ҳеч ким! Буни фақат ўзинг билардинг. Сен кўксингни қалқон қилиб, дўстларингни қутқардинг! Сен бошқаларнинг нажот топиши учун ўзингни қурбон қилиб бўлса ҳам душманнинг йўлини тўсдинг!

Биз бу тобутдан сабоқ олишимиз керак. Саид Паҳлавоннинг ўлими бизнинг кўзимизни янада каттароқ очиши, дўст билан душманни бир-биридан фарқ қилишимизни ўргатиши керак. Энди бўлса етар! Инқилоб ишида сусткашлик қилиш, иккиланиш ва сохта мулойимлик ҳалокатга олиб боради! Инқилоб душманларига нисбатан шафқатсиз бўлиш керак! Қонга қон жонга жон олиш керак.

Ҳайдарқул қизишиб кетди. Жонажон дўстининг тобути тепасида юрагидаги бор дард-аламларини тўкиб солди ва халқни ҳушёр бўлишга, инқилоб душманларига қарши синфий курашга даъват этди.

(Давоми бор).

ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ

Студентларнинг пухта билим олишлари ва уни амалиёт билан боғланишини таъминлаш борасида Тошкент автомобиль йўллари институтида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда бу ерда олий математика бўйича олимпиада ўтказилди. Ҳар бири бештадан мураккаб масалаларни ўз ичига олган саволларга Н. Ғаниев, М. Йўлдошев, Ч. Раупов каби студентлар тўлиқ жавоб қайтариб, билимларини намойиш этдилар. Шунингдек, Р. Абдуллаев, З. Рустамов, А. Юсупов, О. Валиев сингари студентлар ҳам олимпиадада яхши натижага эришиб, республика олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

Бу тадбирни ўтказишда институтнинг ўқитувчиларидан Ш. Ш. Шабзалов, Е. В. Пак ўртоқларнинг хизматлари катта бўлди.

Ж. МАМАТОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

КЕЛАЖАК МЕТАЛИ

Товушдан тез учадиган самолётлар соатига 3000 километрдан кам йўл босмайди. Ҳавога ишқаланиш натижасида унинг чоклари 200 даражагача қизийди. Алюминий қуймаси 150 даражадаёқ қизиб кетади.

Авиаконструкторлар титанни келажак метали деб атамоқда. Бу металл алюминийга ўхшаб енгил ва қаттиқ, аммо 300 даража иссиққа ҳам чидайверади.

ДАҲШАТЛИ ҚУШЛАР

Гавайя оролларида баҳайбат «бўрон» қушлари яшайди. Қанотларини ёзганда узунлиги уч метрдан ҳам ошади. Бу қушлар маҳаллий учувчиларга доим даҳшат солиб туради. Чунки, бўрон қушларига тўқнашиб ҳалокатга учраган самолётлар ҳозир оз эмас.

СОНСИЗ-САНОҚСИЗ

Дунёдаги ҳайвонот, ҳашаротлар турли сон-саноқсиз. Олимларнинг текширишларига кўра биргина ҳашаротлар турининг ўзи миллионга яқин экан. Сут эмизувчи ҳайвонларнинг 20000, умуртқали ҳайвонларнинг 50000, шу жумладан балиқларнинг 13000, судралиб юрувчиларнинг 4000, ерда ҳам, сувда ҳам яшовчи ҳайвонларнинг 1300 дан ортиқ тури бор.

Бу сонларни тамом аниқ деб бўлмайди. Чунки олимлар йилдан-йилга ҳайвонларнинг ҳам, ҳашаротларнинг ҳам янгиданянги турларини топмоқдалар. Бу ҳол, улуғ олим Дарвиннинг ҳайвонот олами сон-саноқсиз турлардан иборатдир, деган таълимотини исботлаб турибди.

ЮВОШ БЎЛСАДА...

Дунё цирки саҳнасида ўргатилган шер, арслон, айиқ, фил ва бошқа турли-туман ҳайвонларни кўриш мумкин. Лекин ювош ва юмшоқ характерли жирафлар йўқ. Чунки улар ўргатишга бўйсунмайди. Ер юзида, фақат биттагина Раки исмли жирафа (Африкада) эгасининг миниб юришига кўниккан, холос.

ШАҲРИМИЗДА қурилаётган турар-жой биноларининг ниҳояси кўринмайди. Яқинда Беруний проспектида яна бир кўп қаватли бино фойдаланишга топширилди. Унинг эстки қаватига китоб магазини жойлашди. Ҳадемай янги уйларга ҳамшаҳарларимиз кўчиб ўтишади.

М. Нуриддинов фотолари.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18,05 — ТОШКЕНТ. 18.15 — Кўғирчоқ театри. 18.45 — Ёзувчи ва замон. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.45 — Ўн минут музика. 19.55 — «Ахборот». 20.15 — Концерт. 22.00 — **Футбол:** ЦСКА (Болгария) — «БАВАРИЯ» (ГФР). 23.45 — Телефильм. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.05 — МОСКВА. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Огир атлётика бўйича халқаро мусобақалар. 19.15 — Болалар учун кўрсатув. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Санъат усталари. СССР халқ артисткаси Г. М. Шатрова. 21,30 — ТОШКЕНТ. Врач экрани. 22.30 — Ота (бадиий фильм). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19,00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.50 — Белгиловчи йил вахтасида. 21,20 — Ҳужжатли фильмлар экраши. 21.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/III да **Чио-чио-сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/III да **Комиссия.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/III да **Хонума хонум,** 21/III да **Ҳалима.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ҚОЗОҚ ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (19.00).

КИНО

Йўқолган миллионлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Хулоса — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳеч севганмисиз?.. — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Эртага кеч бўлади — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИ

3 ойлик пуллик тайёрлов курсларга

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга савдо ва умумий овқатланиш системасида ишловчи 8—10 синф ҳажмида маълумотли бўлганлар қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 2 АПРЕЛДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент, Шота Руставели, 25-уй, телефон 537724.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИДА

24 МАРТДАН БОШЛАБ

8—10 синф ўқувчилари учун иқтисодий ихтисослар ва уларнинг халқ хўжалигидаги роли билан таништириш мақсадида

ИҚТИСОДИЙ МАКТАБ ИШ БОШЛАЙДИ

Машғулотларни ўзбек ва рус тилларида институт кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар олиб борадилар.

Машғулотлар 2—18 лекция залида якшанба кунлари эрталаб соат 10 дан бошланади.

Справкалар учун институтнинг тайёрлов бўлимига (Олмазор кўчаси, 183-уй, 1-қават, 1—57 хона) учрашилсин.

46-ШАҲАР СМЕНАЛИ АЛОҚА БИЛИМ ЮРТИ

телеграфистлар группасига

ҚУШИМЧА

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар 20 мартдан бошланди.

Ўқиш муддати — бир йил. Ўқувчиларга ҳар ойда 56 сўмдан стипендия тўланади.

Тошкент шаҳрида, шунингдек Калинин, Оржоникидзе ва Ўрта Чирчиқ районларида яшовчи ёши 15 ярим ва ундан катта бўлган қизлар қабул қилинади.

Билим юртини битириб чиққанлар Тошкент шаҳридаги Марказий телеграфга ишга юборилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак: маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), характеристика, турар жойдан справка, 3х4 см катталикдаги 4 та фотосурат, таржимаи ҳоли, директор номига ёзилган ариза.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 51-уй (9-автобус, 7, 8, 9, 10, 24-трамвайларнинг «Кафанов» кўчаси бекати).

Тошкент область Ички ишлар бошқармаси коллективи А. А. Даудовга опаси

Кунсула ДАУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 10392. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64634. А—2455.